



Истеъмол кайфияти шарҳи


2022 йил IV чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2023 йил

Истеъмол кайфияти индекси

2022 йилнинг IV чорагида **Истеъмол кайфияти индекси¹ (ИКИ)** III чоракка нисбатан 1,8 бандга яхшиланиб, 26,2 бандни ташкил этди.

1-расм. Истеъмол кайфияти индекси



Пандемиядан кейинги даврда ялпи талабнинг ўсиши, аҳоли даромадларининг ошиши ва хориждан пул ўтказмаларининг сезиларли кўпайиши истеъмолчилар кайфиятида ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2022 йилда мамлакатимизга пул ўтказмалари ҳажми 2 баробарга ошгани уй-хўжаликлари даромади ошишининг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилди.

2022 йилнинг III чорагида кредитга бўлган талабнинг бироз камайиши ҳамда жамғаришга бўлган мойиллиги ортиб бориши фонида аҳолининг истеъмол кайфияти индексининг пасайиши кузатилган эди.

IV чорақдан бошлаб эса истеъмол нархларининг нисбатан барқарор бўлганлиги ҳамда истеъмолчиларнинг кредитга бўлган талабининг ошиши истеъмолга мойилликнинг ортиб боришига хизмат қилди.

Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгуси даврдаги даромадлари кўпайиши бўйича кутималари бироз яхшиланиб бормоқда.


¹ Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

IV чоракда келгуси даромадлари қўпайишини кутаётганлар улуши аввалги чорак натижалари каби қўпчиликни ташкил этди ва уларнинг улуши 65 фоизга teng бўлди (ўтган чоракда ушбу кўрсаткич 64 фоизни ташкил этган). Ўз навбатида, даромад субиндекси ҳам **0,4** бандга кўтарилиб, **10 бандга** teng бўлди.

Келгусида даромадлари қўпайишини кутаётганларнинг аксарияти **7 млн. сўмгача** ойлик даромадга эга бўлган гурухларга тўғри келмоқда.

Даромадлари нисбатан пастроқ (2 млн. сўмгача) бўлган аҳоли вакилларининг келгусида даромадлари ортиши бўйича кутилмалари қолган даромад гурухларига нисбатан пастроқ шаклланди (2-расм).

Келгусида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар
2-расм. (даромадлар кесимида)



3-расм. (соҳалар кесимида)

Соҳалар	Келгусида даромад ўзгариши бўйича кутилма				
	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди
ишилаб чиқариш	31	32	20	10	7
курилиш	32	26	32	6	4
қишлоқ хўжалиги	38	20	23	7	12
маший хизмат	20	30	39	11	0
кафе-ресторон	26	46	23	3	3
ташиши хизмати	36	19	26	3	16
фан-таълим	33	34	23	7	3
тиббиёт	28	32	25	12	4
коммунал хизмат	29	29	34	5	3
туризм	41	30	11	11	7
банк ва молия	36	34	21	6	3
давлат бошқаруве	26	33	35	6	0
АТ ва ОАВ	16	36	20	16	11
савдо	36	33	24	3	3
бошқа	29	31	31	6	3


Сўровда иштирок этган **умумий овқатланиш, банк-молия, туризм, савдо** ва **таълим** соҳаларида фаолият юритувчилар келгуси ойларда даромадлари бўйича ижобий кутилмаларга эга бўлди.

Бунда даромади ошишини кутаётганларнинг аксарият қисми **умумий овқатланиш** соҳаси вакилларини ташкил этмоқда. Кейинги ўринларни **банк-молия, туризм** ҳамда **савдо** орқали даромад топувчилар эгаллади (3-расм).


Иқтисодиёт бўйича кутилмалар

Мамлакат иқтисодиётининг келгуси **12 ой** ва яқин **3 йилликдаги** истиқболлари бўйича ижобий кутилмага эга жавоблар улуши аввалги чоракка нисбатан ўзгаришсиз қолган бўлса (63 фоиз), яқин 3 йилликдаги истиқболлари бўйича кутилмалари **66 фоизни ташкил** этди (4-5-расмлар).

4-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



5-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар





Кредит субинндекси

Келгусида кредит олишга хоҳиши борлигини таъкидлаганлар улуши бироз ошиди.

IV чоракда кредитга бўлган ялпи талабнинг ўсиб бориши кредит субиндексини **8,5** бандга (аввалги чоракда 7,8 банд) яхшиланишига хизмат қилди.

6-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар



Респондентлар орасида деярли барча даромадлилар (2-10 млн. сўмгача) келгуси ойларда кредит олишни режалаштирганликларини таъкидлашган бўлса, 10 млн. сўмдан юқори даромадлиларнинг кредитга бўлган талаби барқарор даражада сақланиб қолинган.

Шунингдек, **барча даромад гуруҳлари** орасида кредит олишга эҳтиёжи мавжуд эмаслигини билдирганлар аввалги чоракка нисбатан камайганлигини кўриш мумкин (**6-расм**).

Мамлакатимизда молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётгани аксарият респондентларнинг

истеъмол харажатларини банк кредитлари орқали амалга оширишга мойилликлари ортиб бораётганлигига ҳам намоён бўлмоқда.

Юқоридаги тенденциялар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига ҳам кредит **талабининг юқори бўлиши бўйича** кутилмаларни вужудга келтирмоқда. Сўровда қатнашган респондентларнинг **65 фоизи** яқин истиқболда кредит олишга эҳтиёжлари мавжудлигини маълум қилди (*ўтган чоракда ушбу кўрсаткич 62 фоизга тенг*).

Ўз навбатида, истеъмол кредитларига юқори талабнинг мавжудлиги шароитида аҳолига **ажратилган кредитларнинг** ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда.

7-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

Келгусида янги кредитга бўлган талаб ўзгариши	Келгусида қўшимча харажатларнинг ўзгариши					
	кўпаяди	биroz кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	биroz камаяди	камаяди	
ошади	62	23	9	3	3	
биroz ошади	41	42	13	2	1	
ўзгаришсиз қолади	33	33	26	5	3	
биroz камаяди	33	37	18	10	3	
камаяди	34	24	16	17	9	
кредитга эҳтиёж мавжуд эмас	42	32	15	6	5	

Хусусан, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **61 фоизга** кўпайган. Бунда, асосан **ипотека кредитлари, микроқарзлар, микрокредитлар, автокредитлар** ҳамда таълим кредитлари асосий ўрин эгаллади.

Қатнашувчиларнинг келгусида кредитга бўлган талаби шаклланиши уларнинг харажатларига боғлиқлиги кўпчилик томонидан таъкидланган (7-расм).

Харажат субиндекси

Келгусидаги харажатлари ошишини кутаётганлар кўпчиликни ташкил этмоқда.

IV чоракда харажат субиндекси сезиларли ошиб, **13,9** бандни ташкил қилди .


Таъкидлаш жоиз, 2022 йилда аҳолининг реал даромадлари барқарор даражада ўсиб борди (реал даромадлари ўсиши 9,7 фоиз).

Ушбу ҳолат жорий йилда хориждан пул ўтказмалари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайгани, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда даромадларнинг ошиши билан изоҳланиси мумкин.

8-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар

2022 йил IV чорак

2022 йил III чорак



Ушбу даврда истеъмол талабининг юқорилиги, аҳолининг истеъмол кайфияти индексида, хусусан, **харажатларнинг сезиларли яхшиланганида ҳам намоён бўлмоқда**.

Аввалги чорақда респондентларнинг аксарияти **уй-жой таъмири, таълим, даволаниш, оиласвий тадбирлар, автомобиль ва миший техника** харидига кўпроқ маблағ сарфлаганларини таъкидлаган.

9-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши




Келгуси ойларда эса **уй-жой таъмири, автомобиль, миший техника ва мебелларни** харид қилиш истагида бўлганлар ҳамда **уй-жой хариди, таълим, даволаниш, ва тўй тадбирларини**

режалаштирганлар кўпчиликни ташкил этганлиги боис, ушбу товар ва хизматларга талабнинг юқори даражада сақланиб қолиниши кутилмоқда (9-расм).

Жамғариш субиндекси

2022 йилда респондентларнинг жамғариш кайфияти яхшиланиб бормоқда.

Жорий йилнинг IV чорагида жамғариш субиндекси ўтган чоракка нисбатан **0,2 бандга ошиб, 6,7 бандга тенг бўлди.**



Бунда, келгусида жамғармалари кўпайиши бўйича ижобий кутилмаларга эга респондентларнинг улуши **51 фоизни** ташкил этди (аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 47 фоизга тенг).

Бугунги кунда банклар томонидан тақдим этилаётган депозит фоиз ставкаларининг жозибадорлиги респондентларнинг жамғаришга мойиллигини ортиб боришига ҳамда жамғариш кайфиятини ижобий шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 2022 йилда инфляция даражасини инобатга олган ҳолда депозитларнинг реал фоиз ставкалари 7-8 фоиз, инфляцион кутилмаларга нисбатан эса 2-5 фоиз атрофида шаклланди.

Респондентларнинг жамғармалари етарлилик даражаси бўйича ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда. 2022 йил давомида жамғармаларини **1 оигача ва 1-3 ой муддатга** етарлилигини маълум қилганлар улуши кўпайиб борди (11-расм).

Жамғармалари мавжуд эмаслигини таъкидлаган респондентлар эса йил давомида камайиб, IV чоракда 37 фоизни ташкил этди.